XALQ DEPUTATLARI ZOMIN TUMANI KENGASHI QARORI

2022 - yil 22 - fevral VI-33-30-3-48-K/22 Zomin tumani hokimligi

Халқ депутатлари Зомин туман Кенгашининг 2021 йил 15 апрелдаги 23/9-сонли қарорига ўзгартириш киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2022 йил 26 январдаги КҚ-302-IV-сонли «Туман (шаҳар) бюджетлари маблағларини жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларга йўналтириш тартиби тўғрисидаги намунавий низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида, халқ депутатлари Зомин туман Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2022 йил 26 январдаги КҚ-302-IV-сонли «Туман (шаҳар) бюджетлари маблағларини жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларга йўналтириш тартиби тўғрисидаги намунавий низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори маълумот учун қабул қилинсин.

1.Халқ депутатлари Зомин туман Кенгашининг 2021 йил 15 апрелдаги 23/9-сонли қарори иловаси «Зомин туман бюджети маблағларини жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларга йўналтириш тартиби тўғрисидаги низом» иловага мувофиқ ўзгартирилсин.

2.Жамоатчилик фикри асосида тадбирларни шакллантириш, баҳолаш, танлаб олиш ҳамда ижросини мониторинг қилиш бўйича ишчи комиссиясига мазкур низом асосида фаолиятини амалга ошириш юклатилсин.

3.Ушбу қарор қабул қилинган кундан кучга киради.

4.Ушбу қарор «Шарқ тонги» газетасида эълон қилинсин.

Туман ҳокими **А.Абдуганиев**

Халқ депутатлари Зомин туман
Кенгашининг
2022 йил 22 февралдаги
VI-33-30-3-48-К/22-сон қарорига
1-илова

Зомин туман бюджети маблағларини жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларга йўналтириш тартиби тўғрисида

НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур низом Зомин туман бюджети маблағларини жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларга йўналтириш тартибини белгилайди.

2. Ушбу низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

жамоатчилик фикри – мавжуд маҳаллий муаммоларни бартараф этиш мақсадида туманда истиқомат қилувчилар учун аҳамиятга эга бўлган тадбирларни тегишлича Зомин туман бюджети маблағлари ҳисобига амалга ошириш бўйича ушбу Низомда белгиланган тартибда билдирилган таклифлар;

фуқаролар ташаббуси гуруҳи – жамоатчилик манфаатлари йўлида жамоатчилик фикрини кенгайтириш мақсадида шакллантирилган икки ва ундан ортиқ фуқаролар гуруҳи.

ғолиб деб топилган таклиф – туманда истиқомат қилувчи фуқаролар томонидан мавжуд маҳаллий муаммоларни бартараф этиш мақсадида билдирилган ва энг кўп овоз олган таклиф.

3. Қуйидагилар жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилади:

туман бюджетининг тасдиқланган умумий харажатларининг 5 фоизи;

туман бюджетининг қўшимча манбаларининг камида 30 фоизи.

4. Жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни танлаб олиш ва туман бюджети маблағларини мазкур тадбирларга йўналтириш ушбу Низомга 1-иловада келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

5. Жамоатчилик фикри асосида тадбирларни шакллантириш, баҳолаш, танлаб олиш ҳамда ижросини мониторинг қилиш ушбу Низомга 2-иловада келтирилган таркибда ташкил этиладиган Ишчи комиссия (кейинги ўринларда – Ишчи комиссия) томонидан амалга оширилади;

Туман ташаббусли бюджетлаштириш натижалари бўйича маълумот ушбу

Низомнинг 3-иловасига мувофиқ умумлаштирилади;

Туман “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси”дан тадбирларни молиялаштириш учун йўналтирилган маблағлар юзасидан маълумот ушбу Низомнинг 4-иловасига мувофиқ умумлаштирилади.

6. Туман молия бўлими (кейинги ўринларда — ишчи орган) Ишчи комиссиянинг ишчи органи ҳисобланади

7. Зомин туман бюджетининг тегишли маблағларини жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтириш учун туман ҳокимлиги негизида бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари шаклидаги “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси” махсус шахсий ғазна ҳисоб варағи (кейинги ўринларда – Жамғарма) очилади.

Бунда ғолиб деб топилган ҳар бир тадбир учун алоҳида маблағлар манбаси “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси” бўлган шахсий ғазна ҳисоб варағи очилади ва барча харажатлар ушбу ғазна ҳисоб варағи орқали амалга оширилади.

8. Туман ҳокимлиги қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳар йилнинг февраль ва июль ойларида туман бюджетининг “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси” махсус ғазна ҳисоб варағига йўналтириладиган маблағлар миқдорини белгилаш бўйича таклифни тасдиқлаш учун тегишли халқ депутатлари туман Кенгашига киритади.

9. Жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштириш учун йўналтириладиган маблағлар жамғармага:

туман бюджетининг тасдиқланган умумий харажатларининг 5 фоизи миқдоридаги маблағларнинг ярмидан кам бўлмаган қисми – мазкур молия йилининг январь ойида, қолган қисми июнь ойида;

туман бюджетининг қўшимча манбалари ҳисобига ажратиладиган миқдори – халқ депутатлари туман Кенгаши қарори қабул қилингандан сўнг уч иш кунида ўтказилади.

10. Жамғарма маблағлари фақатгина жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилади. Мазкур маблағларни бошқа мақсадларга йўналтириш тақиқланади.

11. Тадбирлар учун муайян муддат ўрнатилган бўлса, у ҳолда фойдаланилмай қолган маблағлар тадбирларни ўтказиш муддати тугаганидан кейин ўн иш куни ичида тегишли жамғармага тикланади.

Бунда тадбирларни амалга ошириш ишлари бошланиб, тегишли молия йилида бажарилган ишлар учун маблағлар тўлиқ ўтказиб берилмаган бўлса,

тегишли ғазна ҳисоб варағидаги маблағлар жамғармага тикланмайди ва келгуси йилнинг январь ойида пудратчига тўлаб берилади.

Агар йил якунларига кўра расмийлаштирилган шартномага мувофиқ тадбирлар амалга оширилмаган ёки қисман бажарилган бўлса, шартномада белгиланган тадбирларни ҳамда тўловларни келгуси йилда амалга оширишни назарда тутувчи қўшимча келишув расмийлаштирилади.

Бунда ғолиб деб топилган тадбирлар доирасида ҳисобот йили якунларига кўра тўлиқ бажарилмаган ҳоллар учун истисно тариқасида томонлар ўртасида тузилган шартномаларнинг амал қилиш муддатларини келгуси йил якунига қадар узайтириш бўйича шартномаларга ўзгартиришлар киритилишига рухсат берилади.

2-боб. Жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни танлаб олиш тартиби

12. Ишчи комиссия томонидан жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирлар учун назарда тутилган маблағлар миқдори жорий молия йилининг 1 феврали ҳамда 15 июлига қадар “Очиқ бюджет” ахборот портали ва оммавий ахборот воситалари орқали жамоатчиликка етказилади.

13. Жамоатчилик фикри асосида молиялаштириладиган тадбирларнинг рўйхати бўйича таклиф бериш истагини билдирувчи фуқаролар ўзларининг маҳалла ёки туманидаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича таклифларини молия йилининг 1 марти ва 15 августига қадар “Очиқ бюджет” ахборот порталига жойлаштиради.

14. Жамоатчилик фикри асосида молиялаштириладиган тадбирларнинг рўйхати “Очиқ бюджет” ахборот порталида жойлаштирилган таклифлар асосида шакллантирилади.

15. Таклифлар фуқаролар томонидан республиканинг исталган ҳудуди бўйича фақат бир маротаба берилиши мумкин. Бунда таклиф мазмунан ягона ижтимоий муаммони ўзида акс эттирилиши лозим.

Жамғарма маблағлари фақат Зомин тумани ҳудудидаги тадбирлар учун молиялаштирилади.

16. Таклиф бериш истагини билдирувчи шахслар белгиланган тартибда “Очиқ бюджет” ахборот порталида рўйхатдан ўтади.

17. Фуқароларда “Очиқ бюджет” ахборот порталидан фойдаланиш имконияти мавжуд бўлмаса, улар ўз таклифларини тегишли маҳалла ёки овулда

ташкил этилган “ташаббускорлар бурчаги” орқали қолдиришлари мумкин.

Ёзма равишда тақдим этилган овозларни туман ҳокимлиги молия бўлимининг масъул ходими мустақил равишда “Очиқ бюджет” ахборот порталига киритади. Фуқаролар томонидан ёзма кўринишда тақдим этилган овозларни алоҳида электрон рўйхатдан ўтказиш дафтарида ушбу Низомга 4-иловада келтирилган шаклда қайд этиб борилади.

18. Жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган тадбирлар қуйидаги мезонлар асосида танлаб олинади:

туманнинг ижтимоий-иқтисодий хусусиятларидан келиб чиқиб, шунингдек, аҳолидан тушаётган мурожаатлардаги муаммолар;

жамоавий муаммоларни ҳал этиш қаратилганилиги (хиёбонлар, болалар майдончаси барпо этиш, ички йўлларни ва ижтимоий соҳа объектларини таъмирлаш, экологияни яхшилаш, алоқа тизими, электр энергияси, табиий газ, канализация, ичимлик ва оқова суви билан таъминлаш, кўча чироқларини ўрнатиш (таъмирлаш) ва шу кабилар);

жамоатчилик томонидан билдирилган таклифлар идоравий ёки шахсий хусусиятга эга бўлмаслиги (шахсий автомашина ёки турар жой харид қилиш, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, маъмурий биноларни таъмирлаш);

берилган таклифларни амалга оширишнинг умумий қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 минг баробаридан ошмаслиги лозим.

маҳаллий давлат ҳокимияти ва давлат органларининг бинолари ва иншоотларини қуриш, таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларига, шу жумладан, уларнинг бошқа эҳтиёжларини қоплашга қаратилган бўлмаслиги лозим.

Кўрсатилган муаммоларни бартараф этиш юзасидан жорий йилда манзилли рўйхат (ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича дастурлар ёки ташриф баёнлари ва бошқалар)га асосан маблағ ажратиш кўзда тутилган бўлса, ушбу таклифлар асосланган ҳолда қабул қилинмаслиги лозим.

19. Ишчи комиссия таклифларни “Очиқ бюджет” ахборот порталига келиб тушган кундан бошлаб ўн кун муддатда ушбу Низомнинг 15 ва 18-бандларида кўрсатилган мезонларга мувофиқлиги ҳамда тадбирлар амалга оширилиши имкониятларини ўрганади ва таклифларни мезонларга мувофиқ саралаб боради.

Ишчи комиссия таклифлар бўйича ҳар бир тадбирларни амалга ошириш учун талаб этиладиган маблағнинг дастлабки миқдорини аниқлайди ва бу миқдорлар бўйича ўз хулосаларини ишчи органга тақдим этади.

20. Танлаб олинган тадбирларни амалга ошириш учун талаб этиладиган маблағнинг дастлабки миқдори лойиҳа-смета ҳужжатлари бўйича аниқлаштирилади.

21. Ишчи комиссия томонидан рад этилган таклифлар бўйича таклиф берган шахснинг шахсий кабинетига рад этишнинг асосланган сабаблари тўғрисида хабарнома юборилади.

22. Ишчи орган танлаб олган таклифлар танлаб олинган санадан эътиборан уч иш куни ичида ишчи орган томонидан онлайн овоз беришни ташкил этиш учун “Очиқ бюджет” ахборот порталига жойлаштиради. Овоз бериш таклифлар жойлаштирилган санадан эътиборан йигирма иш куни давомида ўтказилади.

23. “Очиқ бюджет” ахборот порталида рўйхатдан ўтган ҳар бир шахс ҳар бир жараён давомида “Очиқ бюджет” ахборот порталида фақат бир маротаба таклиф қолдириши ва бир таклифга овоз бериши мумкин.

24. Овоз бериш жараёни якунларига кўра энг кўп овоз тўплаган таклифлар ғолиб деб топилади ва таклифларга берилган овозлар сонидан келиб чиқиб юқоридан пастга қараб саралаб олинади. Ғолиб деб топилган таклифдан ортган жамғармадаги маблағ навбатдаги ғолиб таклифлар учун молиялаштирилади.

25. Ғолиб деб топилган таклифларни амалга оширишнинг жами қиймати тегишли жамғармада мавжуд маблағлар миқдоридан ошиб кетиши мумкин эмас.

26. Ишчи комиссия овоз бериш жараёни якунларига кўра, жамғармадаги маблағлар ҳисобига молиялаштириладиган тадбирлар бўйича таклифларни овоз бериш жараёни якунланган санадан эътиборан бир ҳафта муддатда тегишли халқ депутатлари туман Кенгашига кўриб чиқиш учун киритади.

Молиялаштириладиган тадбирлар бўйича таклифларда, қоида тариқасида, объектлар тўғрисидаги маълумотлар (жойлашган жойи, ҳолати, амалга ошириш муддати, буюртмачиси ва бошқалар) кўрсатилади.

Ғолиб бўлган тадбирларни молиялаштириш бюджет маблағларини молиялаштириш тартибида амалга оширилади.

27. Ишчи орган халқ депутатлари Зомин туман Кенгаши томонидан маъқулланган таклифларни «Очиқ бюджет» ахборот порталида ва оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилиб боради.

28. Ишчи комиссия “Очиқ бюджет” ахборот порталига қўшимча равишда:

жамғармадан йўналтирилган маблағлар тақсимоти тўғрисидаги маълумотни;

жамғармадан йўналтирилган маблағлар бўйича амалга оширилган давлат

харидлари тўғрисидаги маълумотни;

жамғармадан йўналтирилган маблағларнинг молиялаштирилиши тўғрисидаги маълумотни жойлаштиради.

Туман ҳокимликлари Ишчи комиссиянинг ҳар йили туман ҳокими бошчилигида телевизион каналлар орқали “Ташаббусли бюджет” жараёни амалга оширилиши борасида фуқароларга жонли мулоқотни олиб боришни назарда тутувчи дастурда иштирок этишни йўлга қўяди.

29. Жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни амалга ошириш бўйича тузилган шартномага ишлар ҳажмининг кўпайиши ёки лойиҳанинг ўзгартирилиши билан боғлиқ ўзгартиришлар киритилишига йўл қўйилмайди.

Жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни амалга ошириш натижаларига кўра янги (қайта) қурилган ёки таъмирланган объектларнинг ишга туширилиши ва унинг келгусидаги фаолиятини сақлаш билан боғлиқ харажатлар бюджет қонунчилигига мувофиқ тегишинча балансда сақловчи маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

30. Ишчи комиссия ҳар йили 25 январга қадар ўтган йилда жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилган маблағлар юзасидан халқ депутатлари туман Кенгашига ҳисобот киритади.

31. Халқ депутатлари туман Кенгаши ҳар йили 1 февралга қадар туман ҳокимлиги томонидан киритилган ўтган йилда жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштириш учун ажратилган маблағларнинг сарфланиши тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлайди.

32. Ишчи комиссия ҳар йили 10 февралга қадар ўтган йилда жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштириш учун ажратилган маблағларнинг сарфланиши юзасидан тасдиқланган ҳисоботни “Очиқ бюджет” ахборот порталига жойлаштиради.

Туман ҳокимликлари ҳар чоракнинг кейинги ойи 10 санасига қадар ўзларининг расмий веб-сайтларида мазкур Низомнинг 3 ва 4-иловаларида келтирилган тавсиявий шаклларда ташаббусли бюджетлаштириш натижалари бўйича маълумотларни жойлаштириб боради.

Таклифларни саралаб олиш жараёни юзасидан ёки тадбирларни молиялаштириш билан боғлиқ юзага келган низолар Молия вазирлиги томонидан кўриб чиқилади.

3-боб. Якунловчи қоидалар

33. Туман бюджетининг жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилган маблағларининг белгиланган мақсадларда ва самарали фойдаланилиши ҳамда маблағларнинг ажратилиши учун тақдим этиладиган барча ҳужжатларнинг ҳаққонийлигига Ишчи комиссия аъзолари шахсан жавобгар ҳисобланади.

34. Туман бюджетининг жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилган маблағларининг белгиланган мақсадларда ва самарали фойдаланилиши устидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат молиявий назорати департаменти ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан доимий назорат амалга оширилади.

35. Жамоатчилик фикри асосида тадбирларни шакллантиришда юзага келадиган низолар қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал этилади.

36. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни танлаб олиш ва туман бюджети маблағларини мазкур тадбирларга йўналтириш

СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Туман ҳокимлиги Халқ депутатлари туман Кенгаши	1. “Жамоатчилик ташаббуси жамғармаси” (кейинги ўринларда – Жамғарма) махсус ғазна ҳисобварағига йўналтириладиган маблағлар миқдорини белгилаш бўйича таклифни тасдиқлаш учун тегишли халқ депутатлари туман Кенгашига киритади. 2. Жамғармага йўналтириладиган маблағлар миқдорини кўриб чиқади ҳамда тасдиқлаш бўйича қарор қабул қилади.	Молия йилининг 1 феврали ва 15 июлига қадар Таклифлар олинган санадан эътиборан уч иш куни ичида

2-босқич	Ишчи комиссия	Жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирлар учун назарда тутилган маблағлар миқдори “Очиқ бюджет” ахборот портали ва оммавий ахборот воситалари орқали жамоатчиликка етказилади.	Молия йилининг 1 феврали ва 15 июлига қадар
3-босқич	Таклиф бериш истагини билдирувчи лар	Маҳалла ёки тумандаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича таклифларни “Очиқ бюджет” ахборот порталига жойлаштиради. Таклиф бериш жараёни бир ой давом этади.	Молия йилининг 1 мартга қадар; 15 августга қадар
4-босқич	Ишчи комиссия	Мезонларга мувофиқлиги ҳамда тадбирлар амалга оширилиши имкониятларини ўрганган ҳолда таклифларни танлаб олади.	Таклифлар “Очиқ бюджет” ахборот порталига келиб тушгандан бошлаб ўн иш кунида
5-босқич	Ишчи орган	1. Танлаб олган таклифлар овоз беришни ташкил этиш учун “Очиқ бюджет” ахборот порталига жойлаштирилади 2. Жамоатчилик томонидан овоз бериш жараёни ўтказилади.	Таклифлар танлаб олинган санадан эътиборан уч иш куни ичида Таклифлар жойлаштирилган санадан эътиборан йигирма иш куни давомида
6-босқич	Ишчи комиссия	1. Овоз бериш жараёни якунларига кўра, энг кўп овоз тўплаган таклифлар ғолиб деб топилади ва таклифларга берилган овозлар сонидан келиб чиқиб юқоридан пастга қараб саралаб олинади. 2. Овоз бериш жараёни якунларига кўра, Жамғарма маблағлардан молиялаштириладиган тадбирлар бўйича таклифларни халқ депутатлари туман Кенгашига кўриб чиқиш учун киритади.	Овоз бериш жараёни якунланган санадан эътиборан бир ҳафта муддатда

7-босқич	Ишчи комиссия	Халқ депутатлари туман Кенгаши томонидан маъқулланган таклифларни “Очиқ бюджет” ахборот порталида ва бошқа оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилиб боради.	Ҳар ойнинг якунлари бўйича кейинги ойнинг 10-кунига қадар
8-босқич	Ишчи комиссия	Ўтган йилда жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилган маблағлар юзасидан халқ депутатлари туман Кенгашига ҳисобот киритади.	Ҳар йили 25 январга қадар
9-босқич	Халқ депутатлари туман Кенгаши	Ўтган йилда жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштириш учун ажратилган маблағларнинг сарфланиши тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлайди.	Ҳар йили 1 февралга қадар
10-босқич	Ишчи комиссия	Ўтган йилда жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштириш учун ажратилган маблағларнинг сарфланиши юзасидан тасдиқланган ҳисоботни “Очиқ бюджет” ахборот порталига жойлаштиради.	Ҳар йили 10 февралга қадар

Халқ депутатлари Зомин туман
Кенгашининг
2022 йил 22 февралдаги
VI-33-30-3-48-К/22-сон қарорига
2-илова

Жамоатчилик фикри асосида тадбирларни шакллантириш, баҳолаш, танлаб олиш ҳамда ижросини мониторинг қилиш бўйича ишчи комиссиянинг

ТАРКИБИ

Т/р	ФИО	Иш жойи ва лавозими *
1.	Лавозимига кўра	Халқ депутатлари туман Кенгаши раиси, ишчи комиссия раҳбари
2.	Лавозимига кўра (келишув асосида)	Туман халқ депутатлари Кенгашининг вакили
3.	Лавозимига кўра	Туман ҳокимининг қурилиш масалалари бўйича ўринбосари
4.	Лавозимига кўра	Туман ҳокими ўринбосари - маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи
5.	Лавозимига кўра	Туман ҳокимлиги молия бўлими мудири (вакили)
6.	Лавозимига кўра (келишув асосида)	Туман ҳокимлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши вакили
7.	Лавозимига кўра (келишув асосида)	Нодавлат нотижорат ташкилотларнинг вакиллари

*Изоҳ:

1) заруратга кўра, туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан ишчи комиссия таркибига бошқа мутахассислар ҳам жалб этилиши мумкин;

2) Комиссия аъзолари сони (камида 7 киши) тоқ бўлган таркибда тузилади.

Халқ депутатлари Зомин туман
Кенгашининг
2022 йил 22 февралдаги
VI-33-30-3-48-К/22-сон қарорига
3-илова

Зомин туман ташаббусли бюджетлаштириш натижалари бўйича

МАЪЛУМОТ

Т/р	Кўрсаткич номи	Сумма (минг сўм)
1.	Йил бошига қолдиқ	
2.	Ҳисобот даврида “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси”га ўтказилган маблағлар	
3.	“Фуқаролар ташаббуси жамғармаси”дан тадбирларни молиялаштириш учун йўналтирилган маблағлар	
3.1.	Бажарилган ишлар учун ҳисобварақлардан молиялаштирилган маблағ	
3.2.	Ҳисобварақлардаги қолдиқ маблағлар	
4.	Фуқаролар ташаббуси жамғармасидаги қолдиқ маблағлар	

Т/р	Тадбирлар номи	Молиялаштирилган таклифлар сони	кўрсаткичлар		
			ўлчов бирлиги	миқдори	сарфланган маблағлар
1.	Ҳудудий ички йўллар	3	умумий узунлиги		
2.	Умумтаълим мактабларини таъмирлаш ва жиҳозлаш		сони		
3.	Мактабгача таълим муассасаларини таъмирлаш ва жиҳозлаш		сони		
4.	Соғлиқни сақлаш муассасаларини таъмирлаш ва жиҳозлаш		сони		
5.	Бошқа ижтимоий соҳа муассасаларини таъмирлаш ва жиҳозлаш		сони		
6.	Ичимлик суви таъминотини яхшилаш		умумий узунлиги		
7.	Кўча чироқларини ўрнатиш		чироқлар сони		
8.	Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш		тадбирлар сони		

9.	Бошқа тадбирлар		сони		
жами			X	X	

Халқ депутатлари Зомин туман Кенгашининг
2022 йил 22 февралдаги
VI-33-30-3-48-К/22-сон қарорига
4-илова

Зомин тумани “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси”дан тадбирларни молиялаштириш учун йўналтирилган маблағлар юзасидан

МАЪЛУМОТ

№	Тадбирнинг хос рақами (ID)	Жами тўпланган овозлар сони	шундан		Тадбирнинг қисқача мазмуни (соҳаси)	Тадбирнинг молиялаштирилиши (минг сўм)					
			онлайн овозлар	офлайн овозлар		Молиялаштириш учун очилган ҳисобварақ	Тадбирнинг фуқаро томонидан киритилган дастлабки қиймати	Тадбирни амалга оширишдаги аниқланган қиймати*	Ажратилган маблағ	Бажарилган ишлар учун тўлаб берилган маблағлар	Қолдиқ маблағлар
Жами											
1											
2											
3											
...											

* лойиҳа-смета ҳужжатлари ва экспертиза хулосасига асосан пудратчи корхоналарлар томонидан таклиф этилган қиймат.